

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

2019 йил Бюджетномаси тасдиқланди

2018 йил 17 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини қўриб чиқдилар.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Ж.Кўчқоров маъруза қилди.

Мажлисида қайд этилганидек, мамлакат Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим қилинган 2019 йилги Бюджетнома Президентимиз томонидан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 96-моддаси қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилиб, парламентга киритилган.

Мамлакатнинг бош молиявий ҳужжатини тақдим этиш амалиётида биринчи марта 2019–2021 йилларда республикани иқтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари прогнози берилди. Унда фискал кўрсаткичларга таъсир кўрсатувчи асосий таъши ва ички омиллар, 2019–2021 йилларга оид солиқ-бюджет сиёсатининг стратегияси, 2019 йилга мўлжалланган ва 2020–2021 йилларга прогноз қилинган фискал ҳавфлар, 2019–2021 йилларга мўлжалланган Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари параметрлари каби масалалар ўз аксини топган. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишни таъминлашга, иқтисодиёт секторлари макрокўрсаткичларни кўрсаткичларининг юқори суръатларда ўсишига эришишга, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган инвестициявий жозибадорлик ҳамда ишчанлик муҳитини оширишга доир чора-тадбирларни изчил амалга ошириш назарда тутилган.

Мажлисида қайд этилганидек, 2019 йилда ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўсиши кейинги йилларда унинг ижобий динамикасини сақлаб қолган ҳолда 5,4 фоиз (2020 йилда 6 фоиз, 2021 йилда 7 фоиз) миқдорда бўлиши назарда тутилмоқда. Хусусан, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 4,9 фоиз, қурилишда 8,4 фоиз, қишлоқ ҳўжалигида 3,3 фоиз ва хизматлар соҳасида 6,2 фоиз кўпаяди, асосий капиталга инвестициялар 17 фоиз, товарлар ва хизматлар экспорти 15,5 фоиз ҳамда импорт 6,3 фоиз ўсади.

2019 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонида (29.06.2018 йилдаги ПФ-5468-сон) мўвофиқ ишлаб чиқилган.

Унга кўра, барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинadиган даромад солигининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдоридан жорий этиш, шундан 0,1 фоизини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтириш, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкасини 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун 22 фоиздан 20 фоизгача пасайтириш, фуқароларнинг меҳнат ҳақи тарзидаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўшлаб қўлинадиган сугурта бадалларини бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Умуман олганда, таклиф этилаётган чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳисобига солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тури 19 тадан 15 тагача камаяди.

2019 йилга мўлжалланган Бюджет сиёсати пухта ўйланган фискал сиёсатни амалга оширишга, иқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиб ўсишига ва мамлакат молиявий тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Бюджет маблағларини режалаштириш самарадорлигини, улардан фойдаланиш натижадорлигини оширишга ҳамда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, Давлат бюджетини режалаштириш ва ижро этиш жараёнини, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, тегишли вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг солиқ тўлаш имкониятларини кенгайтиришдан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг манфаатдорлигини ошириш, бюджетнинг барқарорлигини таъминлаш учун бюджетга қатъий риоя этилишига эришиш, бюджет тизимида бюджетларнинг молиявий оқимларини уйғунлаштириш кабилар шулар жумласидандир.

Бюджетни режалаштиришнинг барқарорлигини ошириш мақсадида прог-



ноз йили учун Давлат бюджетини ва кейинги икки йилга мўлжалланган бюджет йўналишларини тасдиқлаш йўли билан ўрта муддатга мўлжалланган бюджетни режалаштириш механизмининг жорий этиш таклиф қилинмоқда.

2019 йилда Давлат бюджети даромадларининг тушуми 102,6 трлн сўм ёки ЯИМга нисбатан 24,2 фоиз даражасида бўлиши прогнози қилинмоқда. Давлат бюджетига тушумларнинг жорий йил кўрсаткичига нисбатан 37,8 фоиз ўсиши режалаштирилмоқда.

Давлат бюджети даромад қисмининг тушуми бевосита солиқлар бўйича даромадлар ҳисобига 20,7 трлн сўм, билвосита солиқлар бўйича 55,5 трлн сўм миқдоридан, ресурс солиқлар ва мол-мулкка солинадиган солиқлар бўйича 14,6 трлн сўм, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича 10,7 трлн сўм, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар бўйича 0,3 трлн сўм миқдоридан бўлиши кутилмоқда.

2019 йилда Давлат бюджетининг харажатлари 107,1 трлн сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилдагига нисбатан 1,4 баравар кўп бўлиб, бунда Давлат бюджетининг харажатлари асосан иқтимоий соҳаларга йўналтирилади. Жумладан, иқтимоий соҳа харажатлари 57,8 трлн сўмни ёки умумий харажатларга нисбатан 54 фоизни ташкил этади. Бунда ушбу харажатларнинг ўсиши аввалги йилга нисбатан 34,4 фоиз кўпаяди.

Мақтабгача таълим муассасаларини молиялаштиришга 4 трлн сўм, умумий таълимга 17,1 трлн сўм йўналтирилади, кадрлар тайёрлашга

ажратилadиган маблағлар 3,8 трлн сўмни ташкил этади.

Соғлиқни сақлашни молиялаштиришга эса 12,1 трлн сўм йўналтирилади ёки аввалги йилга нисбатан 30,5 фоиз ўсиш билан умумий харажатларга нисбатан 11,3 фоизни ташкил этади.

Маданиятни молиялаштириш учун 1 трлн сўм, илм-фанга 0,8 трлн сўм йўналтирилади. Иқтимоий нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш ва компенсация тўловлари учун харажатлар ўтган йилдагига нисбатан 61,8 фоиз ошган ҳолда 5 267,2 млрд сўмни ташкил этади.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» Давлат дастурларини амалга ошириш учун барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 6,3 трлн сўм йўналтирилади, бу эса 478 та аҳоли пунктида турмуш шароитлари яхшиланишини таъминлайди.

Давлат дастурларини амалга ошириш доирасида 2019 йилда 372 та объекта ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини реконструкция қилиш ҳамда модернизациялаш, 1 916,1 км узунлиқдаги сув ўтказиш тармоғини қуриш ва реконструкция қилиш назарда тутилмоқда. Қурилган чора-тадбирлар натижасида марказлашган сув таъминотини қамраб олиш 2019 йилда 77 фоизга етади.

Умуман олганда, 2019 йилги Бюджетномада назарда тутилган даромадларнинг изчил ўсиши, солиқ сиёсатида жорий этилаётган туб ўзгаришлар аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятли экани таъкидланди.

Мажлисида Бюджетнома ҳамда унинг асосий йўналишлари депутатлар томонидан атрофлича муҳокама этилди. Лойиҳа Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланди.

Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати материали асосида тайёрланди.

ЎЗА.

Ушбу
сонда:

6-БЕТ

Молиявий санкция ва
жиноий жазони фарқлаш керак

7-БЕТ

Фарзандим қайси
мамлакатнинг фуқароси?

8-БЕТ

АвтоНорма: «иккиламчи» ишончномани
ҳам расмийлаштирса бўлади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг келиб чиқиш сертификатини олиш тартиби соддалаштирилди

ТСВ, МВ ва ДБҚнинг қарори (16.11.2018 йилда 2131-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Маълумот учун: Кўпинча мамлакатлар ўзаро товар айирбошлашда мақбул божхона божлари, солиқлар ва йиғимлар ҳақида аҳдлашиб оладилар. Масалан, МДХ мамлакатлари ўртасида Эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисида битим (Москва, 15.04.1994 й.) тузилган. Аҳдлашуларни амалда рўйбга чиқариш учун товарнинг келиб чиқиш сертификати билан фойдаланилади. Улар ишлаб чиқарувчи мамлакатни тасдиқлайди ва олиб кириш чоғида ҳамкор давлат «ўтказиш пункти» бўлиб хизмат қиладиган учинчи мамлакатлар маҳсулотларидан унинг товарларини фарқлаш имконини беради. Бундан ташқари, айрим мамлакатлар учун экспорт-импортга чекловлар жорий этилиши мумкин. Бунда ҳам сертификатга эҳтиёж юзага келади.

Қабул қилинган ҳужжат билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳужжат олиш тартибига 2 та истисно киритилди.

Биринчидан, МДХ мамлакатларига экспорт қилиш чоғида қўлланладиган СТ-1 шаклидаги сертификатни олиш учун ариза берувчи «Ўзбекэкспертиза» АЖ ёки унинг бўлимчаларига тақдим этиладиган анча қисқартирилган ҳужжатлар пакети тасдиқланди. Бунда қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари ҳақида сўз бормоқда:

➤ етказиб берувчи ва харидор ўртасидаги экспорт (реэкспорт) қилинаётган товар бўйича шартнома (контракт асосида экспорт қилинган тақдирда);

➤ экспорт қилинаётган товарга ҳисобварақ-фактура (инвойс);

➤ экспорт қилинаётган товарнинг келиб чиқишини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (экспорт қилувчининг ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи, Ўзбекистонда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олинганлигини тасдиқловчи ва ҳ.к.).

Бунда сертификат олиш учун мурожаат қилинган кунни мазкур ҳужжатларни тақдим этиш имконияти бўлмаганда, ариза берувчи томонидан экспорт қилинаётган маҳсулотнинг номи, ҳажми, тайёрловчиси ва етиштирилган ҳудуди ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олувчи хат тақдим этилишига рухсат этилади (халқаро меъёрларга мувофиқ товар олиб кирилаётган мамлакатнинг божхона ёки бошқа ваколатли органлари томонидан сўровнома келганда, ариза берувчи юқорида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиши лозим).

Сўнг мажбурий тартибда экспертиза ўтказилади. Унда ҳақиқатан ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Ўзбекистон Республикасида етиштирилганлиги аниқланади.

Бу – муҳим! Барча турдаги товарларни экспертизадан ўтказиш тартибига жиддий аниқлик киритилди. Ҳатто шундаки, товар тўғрисида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ёки ТИФ ТН бўйича дастлабки тўртта код белгиси ўзгаришига олиб келадиган етарли даражада қайта ишланган ёхуд уни ишлаб чиқаришда фойдаланилган материаллар қиймати ёки қўшилган қиймати товар нархида муайян қатъий белгиланган улушга етганда сертификат берилади. Энди келиб



чиқиши номаълум бўлган материаллар «етарли даражада қайта ишланганлик» мезонига мувофиқ таҳлил қилинганда хорижий материаллар деб ҳисобланади. Масалан, эҳтиёт қисм қарерда ишлаб чиқарилганлиги номаълум, шу сабабли ускуна таркибига у хорижий материал сифатида ҳисобга олинади.

Бундан ташқари, аризани топшириш санасидан сертификат бериш санасигача бўлган муддат 3 кундан 2 кунга қисқартирилди (экспертиза ўтказиш ва сертификатни расмийлаштириш учун 1 кундан).

Иккинчидан, ариза берувчи СТ-1 шаклидаги сертификат талаб этилмаса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспертизадан ўтказиш мажбурий эмас. Бошқа шаклдаги сертификатни (Низомга 4-илова) олиш учун қабул қилинган ҳужжат билан бланкаси тасдиқланган ариза-декларацияни тақдим этиш kifоя. Уни қозғо ёки электрон шаклда тақдим этиш мумкин.

Бу ҳолда «Ўзбекэкспертиза» АЖ тақдим этилган ҳужжатларни шундайлигича қабул қилади, сертификат эса ариза-декларация тақдим этилгандан кейин 1 кун ичида расмийлаштирилади. Бироқ экспорт қилинаётган товарлар бўйича улар олиб кириладиган мамлакатнинг ваколатли органлари нотўғри ёки ишончсиз маълумотларни аниқлаган тақдирда, ариза берувчида келиб чиқиш мамлакатини тасдиқловчи барча ҳужжатларни тақдим этиш ва барча харажатларни тўлаш мажбурияти юзага келади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 17.11.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Эълон

Тошкент шаҳар ИИББ Эксперт-криминалистика маркази томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар ва ишлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 18 апрелдаги ПҚ-2898-сонли «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳар ИИББ Эксперт-криминалистика маркази томонидан юридик шахсларга пуллик асосда экспертлик, илмий-тадқиқот ва ахборот хизматлари амалга оширилади.

1. Ҳужжатларда, қимматбаҳо қозғоларда, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларда қалбақлаштириш белгиларини аниқлаш, давлат идоралари, корхона-ташкilotлар, банк муассасалари, хусусий фирмаларда ҳужжатлар билан иш олиб борувчи ходимлар томонидан ҳужжатларда хатоликларга йўл қўймасликлари учун эътибор қилишлари лозим бўлган масалалар бўйича ўқитиш.

2. Корхона-ташкilotлар, банк муассасалари, хусусий фирмаларда ўрнатилган видеокузатув мосламаларининг шахсни идентификация қилишда видеокузатув тизими имкониятларини аниқлаш.

3. Транспорт воситаларининг двигатель, шасси, кузов рақамларини рўйхатга қўйишда ва қайта рўйхатдан ўтказишдаги тадқиқотлар.

4. Ҳужжатлар, қимматбаҳо қозғолар, потеря чипталари, шунингдек бошқа турдаги қатъий ҳисобот остидаги босма маҳсулотларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар.

5. Қўлэмалар ва имзоларни идентификация қилиш бўйича тадқиқот.

6. Узоқ муддат мобайнида ўчиб кетган матнларни қайта ишлаш.

Мурожаат учун телефонлар:
(71) 281-92-14, (71) 281-92-15.

• ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

– 2019 йил Бюджетномаси тасдиқланди

1-бет

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Автомобилларни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни расмийлаштиришга рухсат берилди

1-2, 8-бетлар

• РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

– «Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

Идораий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат

– УЗР молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий

стандартига (5-сон БХМС) «Асосий воситаларга» ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи

3-4-бетлар

• ҲУЖАЛИК ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИ

– Умумий оқватлаш: ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш
– Ставка ўзгарган бўлса
– Воситачилик ҳақи – фақат сўмда
– Бракдан халос бўлмасиз

– Талаблар ўзгарди, бироқ лицензия ўз кучини йўқотмайди

– Шартномадаги устувор шартлар

– Молиявий санъия ёки жонқий жазо 5-6-бетлар

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Машина хатосими?
– Болакайнинг фуқаролиги
– Қонунга мувофиқ
– Ҳаммаси қондаги биноан
– Прописка қилишга розиман

7-8-бетлар



РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

• ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– «Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

• ИДОРАВИЙ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ:

– ЎзР молия вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига (5-сон БҲМС) «Асосий воситапар»га ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРИШ ЮЗАСИДАН АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон Фармонини ижро этиш юзасидан, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишда қонунийлик бузилиши ҳолларининг олдини олиш ва уларга барҳам бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Назорат қилувчи органлар:

бир ой мuddатда тегишли назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини уларга тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш учун аттестациядан ўтказиш бўйича аттестация комиссияларини ташкил этсинлар;

аттестация назорат қилувчи органлар мансабдор шахс-

ларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган талаблардан келиб чиқиб юксак талабчанлик, принципааллик ва ўз касбини билиш ҳолисона баҳоланиши вазиятида ўтказилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой мuddатда ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров ва адлия вазири Р.К.Давлатов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири
А.АРИПОВ.

Тошкент ш.,
2018 йил 7 ноябрь
920-сон.

ЎзР ВМнинг 2018 йил 7 ноябрдаги 920-сон қарорига
ИЛОВА

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРИШ ЮЗАСИДАН АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан (кейинги ўринларда аттестация деб аталади) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Аттестация назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширувчи мансабдор шахсларининг (кейинги ўринларда ходимлар деб аталади) малакаси ва

профессионаллик даражасини баҳолаш, шунингдек, уларнинг назорат органи фаолиятига ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишга тааллуқли қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши учун масъулиятини ошириш мақсадида ўтказилади.

3. Қонунийлик, мажбурийлик, ошкоралик, ҳолислик ва коллегиялик аттестацияни ўтказишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 8.11.2018 йилдан кучга кирди.

4. Аттестациядан ўтиши керак бўлган ходимлар сони, шунингдек, уларга қўйиладиган касбий талаблар қонун ҳужжатлари билан назорат қилувчи органга юлганган вазифалар ва функцияларнинг йўналишлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб ҳар бир назорат қилувчи орган томонидан белгиланган тартибда аниқланади.

5. Ходимлар аттестациядан назорат қилувчи орган томонидан уч йилда камда бир марта ушбу Низомга 1-иловага** мувофиқ схема бўйича ўтказилади.

6. Қўйидагилар аттестациянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

юқори малакага, ташаббускорликка, жавобгарликка эга ходимлар тоифасини аниқлаш;

ходимларнинг касб тайёргарлигини, қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш зарурлигини аниқлаш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни ташкил қилишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш жараёнида коррупция ҳолатларини бартараф этиш ва қонунчиликни таъминлаш.

Аттестация комиссияси аттестация сифатли ва ҳолисона ўтказилиши учун жавоб беради.

2-БОБ. АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

7. Аттестация назорат қилувчи орган раҳбарининг буйруғи асосида ташкил этиладиган, камда беш кишидан иборат бўлган аттестация комиссияси томонидан ўтказилади. Аттестация комиссияси раис, котиб ва комиссия аъзоларидан ташкил топади. Бунда назорат қилувчи орган раҳбари бир вақтнинг ўзига аттестация комиссиясининг раиси ҳисобланади. Комиссия таркиби тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни амалга ошириш мажбуриятига қармайдиган шахслардан шакллантирилади.

Назорат қилувчи орган раҳбарининг буйруғи билан унинг ҳудудий бўлиналарида ҳудудий ёки ҳудудлараро аттестация комиссиялари ташкил этилиши мумкин. Бунда назорат қилувчи органнинг ҳудудий бўлини масо бошлиғи ҳудудий ёки ҳудудлараро аттестация комиссияларини раиси ҳисобланади.

8. Аттестация комиссияси таркибига мажбурий равишда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари, Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари киритилиши шарт.

9. Аттестация комиссияси ўз фаолиятини доимий равишда амалга ошириши, унинг фаолиятини ташкил этиш аттестация комиссиясининг ишчи органи томонидан таъминланади.

Назорат қилувчи органнинг кадрлар билан ишловчи таркибий бўлини масо ишчи орган функциясини бажаради ва унинг вакили аттестация комиссиясининг котиби ҳисобланади.

Ишчи орган қўйидаги функцияларни бажаради:

Назорат қилувчи органнинг тегишли тузилмаси билан биргаликда аттестацияни ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди;

аттестацияни ўтказиш учун ходимлар рўйхатини тузади ва уни аттестация комиссиясига тақдим этади;

аттестацияни ўтказиш учун саволлар рўйхатини тайёрлайди;

аттестация ўтадиган сана ва жой тўғрисида ходимларга хабар қилади;

манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликни таъминлайди;

ушбу Низомга мувофиқ аттестация комиссияси иши ҳамда унинг қарорлари ижроси билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади.

10. Аттестация комиссияси аттестацияни ўтказишда: аттестациядан ўтаётган ходим ҳақида қисқача ахборотни эшитиши;

аттестациядан ўтаётган ходимга саволлар беради; аттестация ақунари бўйича очик овоз беришни ўтказиши;

аттестациядан ўтаётган ходим фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар беради;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилади;

аттестация ўтказиш натижалари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг муносабатлари асосида ходимга аввал берилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини тасдиқловчи махсус гувоҳномани бекор қилиш билан боғлиқ масалаларни қўриб қиқади;

аттестацияни ўтказишга тегишли бошқа вазифаларни ҳал этади.

3-БОБ. АТТЕСТАЦИЯНИ ЎТКАЗИШ

11. Назорат қилувчи орган раҳбари аттестациядан ўтиши керак бўлган ходимлар рўйхатини тасдиқлаган ҳолда аттестациядан ўтказиш ҳақида буйруқ чиқаради.

12. Аттестациядан ўтиши керак бўлган ходимлар рўйхатига тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар (махсус гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаган ёки шу ой мобайнида тугайдиган ходимлар) ва бундай ҳуқуқни олишга тавсия қилинган ходимлар киритилади. Ушбу рўйхатга олдин тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини олган, бироқ тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган лавозимга тайинланган ходимлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш соҳасида қонунчилик бузилиши муносабати билан бундай ҳуқуқдан маҳрум этилган ходимлар киритилмайди.

13. Аттестацияни ўтказиш муддати аттестация комиссияси раиси томонидан ходимларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқи амал қилиши муддати тугаши, назорат қилувчи органнинг тузилмаси, штат бирлиги ўзгариши, кадрлар қўшимчасизлиги ва бошқа омиллар инобатга олинган ҳолда белгиланади.

14. Назорат қилувчи органнинг тегишли тузилмаси раҳбари томонидан ишчи органга аттестациядан ўтиши керак бўлган ҳар бир ходим тўғрисида хизмат тавсифномаси тақдим этилади.

Аттестациядан ўтказиладиган ходим аттестациядан камда икки ҳафта олдин аттестацияни ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан имзо қўйдирилган ҳолда таништирилиши керак.

15. Аттестация комиссияси йиғилиши аттестация комиссияси тасдиқлаган таркибининг тўртдан уч қисми қатнашса, ваколатли ҳисобланади.

16. Аттестация аттестациядан ўтаётган ходим билан суҳбат шаклида ўтказилади.

17. Аттестациядан ўтишда аттестациядан ўтказилувчиларга электрон мосламалардан, маълумотнома, махсус ёки бошқа адабиётлардан, шунингдек, ҳар қандай ёзувлардан фойдаланиш ман этилади. Қўрсатилган талаблар бузилган ҳолларда аттестациядан ўтказилувчилар аттестациядан четлатилади ва аттестациядан ўтмаган деб ҳисобланади.

18. Комиссия йиғилишида бегона шахсларнинг иштироки этишига рухсат берилмайди.

**Мазкур Низомга 1–3-иловалар «СБХ»да берилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида таништириш мумкин.

19. Ишчи орган аттестациядан ўтказилувчиларнинг доимий ҳисобини юритиш мақсадида реестрни юритади, унга қуйидаги маълумотлар электрон шаклда киритилади:
эгаллаб турган лавозими;
ҳодимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
ҳодимнинг паспортига оид маълумотлари;
ҳодимнинг малака ошириш курсини даврий ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар (мавжуд бўлса);
аввалги аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги маълумотлар (мавжуд бўлса).

20. Аттестация комиссияси котиби ҳар бир аттестациядан ўтказилувчи ҳодим ҳақидаги маълумотномани аттестация ўтказиш санасидан камида бир ҳафта олдин комиссияга тақдим этади.

21. Аттестация ўтказилишдан камида 15 кун олдин аттестация комиссияси билан келишилган ҳолда ишчи орган томонидан саволлар рўйхати тузилади ва ушбу рўйхат аттестация комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

Рўйхатга мажбурий равишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга боғлиқ саволлар ва вазиятчи вазифалар – тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш вақтида содир бўладиган ва/ёки содир бўлиши мумкин бўлган вазиятлар ҳамда тегишли тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузарлик содир этиш ҳавфи даражасидан келиб чиқиб текшириш ташаббуси билан чиқишни назарда тутувчи «ҳавфни таҳлил этиш» тизимига оид саволлар киритилиши шарт.

22. Ҳар бир аттестациядан ўтаётган ҳодимга икки нусхада ушбу Низомига 2-иловага** мувофиқ шакл бўйича аттестация варақаси тузилади.

23. Аттестация комиссияси томонидан аттестациядан ўтувчи ҳодим ҳақидаги тавсифнома ва саволларга берилган жавобларни инобатга олган ҳолда ҳар бир аттестациядан ўтувчи ҳодимга нисбатан очиқ овоз бериш йўли билан алоҳида қарор қабул қилинади. Қарор аттестацияда иштирок этган аттестация комиссияси аъзоларининг кўпчилиги овоз бергандан қабул қилинган деб ҳисобланади. Аттестация комиссияси аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда аттестация комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

24. Аттестация натижаси бўйича аттестация комиссияси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:
ҳодим аттестациядан ўтди;
ҳодим аттестациядан ўтмади.

25. Аттестация комиссиясининг қарори овоз бериш жараёни тугаши билан эълон қилинади ва аттестация қатнашчилари аттестация варақаларига имзо чекишади.

26. Аттестация якуни бўйича аттестация комиссияси томонидан қабул қилинган қарор аттестация комиссияси раиси, котиби ҳамда аъзолари томонидан имзоланадиган аттестация варақасига киритилади.

Агар аттестациядан ўтказилувчи ўзининг аттестация варақасини имзолашга рози бўлмаса, бу ҳақда тегишли белги қўйилади.

Аттестация варақасининг иккинчи нусхаси аттестация ўтказилгандан кейин бир кун муддатда аттестациядан ўтган ҳодимга имзо қўйдирилган ҳолда тақдим этилади.

27. Аттестация якунлари бўйича икки кун муддатда баён-нома тузилади. Баённомада аттестация ўтказилган сана ва жой, аттестация комиссиясининг қарори кўрсатилади ҳамда аттестация варақалари илова қилинади. Баённома аттестация комиссияси раиси ва котиби томонидан имзоланади.

28. Аттестациядан ўтган ҳодимга аттестация комиссияси томонидан белгиланадиган аттестацияни ўтказиш даврийлиги муддатига тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқи берилади.

29. Аттестацияга узрли сабабларга кўра (касаллиги, хизмат сафарида бўлганлиги ва ҳоказолар туфайли) келмаган ҳодимлар аттестация комиссиясининг кейинги йиғилишига қўйиладиган ҳодимлар рўйхатига киритилади.

30. Аттестация комиссияси томонидан аттестациядан ўтмаган деб ҳисобланган ҳодим такрорий аттестацияга, бироқ аттестация ўтказилгандан камида олти ойдан кейин қўйилиши мумкин.

Ушбу давр мобайнида аттестациядан ўтмаган ҳодимга тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ман этилади. Назорат қилувчи орган раҳбари мажбурий ҳодимни тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган лавозимга ўтказиши мумкин.

31. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш даврида ҳодим томонидан қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилган бўлса, унга берилган ҳуқуқ аттестация комиссияси томонидан бекор қилинади ва у қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

4-БОБ. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРУВЧИ МАХСУС ГУВОҲНОМА

32. Аттестация комиссияси томонидан аттестациядан ўтган ҳодимга ушбу Низомига 3-иловага** мувофиқ шакл бўйича махсус гувоҳнома берилади.

33. Махсус гувоҳномалар бланкаларини тайёрлаш, бериш, сақлаш ва ҳисобини олиб бориш назорат қилувчи органнинг маблаглари ҳисобига, ҳодимларнинг хизмат гувоҳномалари учун белгиланган тартиб бўйича амалга оширилади.

34. Махсус гувоҳнома йўқотилган ёки фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келган ҳолларда ҳодимнинг мурожаати асосида назорат қилувчи орган ёки унинг ҳудудий бўлинимасининг буйруғи билан унга дубликат берилиши мумкин.

Ҳодимга янги махсус гувоҳнома беришда унга «ДУБЛИКАТ» белгиси қўйилади. Қайта расмийлаштириш ва махсус гувоҳнома дубликатини бериш учун аттестациядан ўтиш талаб этилмайди.

35. Назорат қилувчи органнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга бўлган, ушбу назорат қилувчи органнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш билан боғлиқ бошқа лавозимига ўтган ҳодимга дастлаб берилган махсус гувоҳнома амал қилиши муддатига янги лавозими кўрсатилган ҳолда янги махсус гувоҳнома берилади.

36. Ҳодим билан меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин у тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган лавозимга ўтгандан махсус гувоҳнома ишчи органга қайтарилиши шарт.

Умумий овқатланиш: ҳисобварақ-фактурани расмийлаштирамиз

Корхонамизнинг фаолият тури – умумий овқатланиш, ИФУТ коди – 56100. Пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлайдиган туристик фирмаларга хизмат кўрсатамиз.

Умумий овқатланиш корхонаси туристик ташкилотларга хизмат кўрсатганда ҳисобварақ-фактурани қандай ёзса тўғри бўлади: туристлар буюртирган таомлар расшифровкасини кўрсатган ҳолдами ёки битта сатрда умумий овқатланиш хизматлари кўрсатиш дебми?

– Умумий овқатланиш корхонаси ҳисобварақ-фактурада битта сатрда хизмат тури ва унинг қийматини кўрсатиши мумкин. Ҳисобварақ-фактурага кўрсатилган хизматлар далолатномасини илова қилиш мумкин, унда кунлар бўйича, турлар бўйича, хизмат кўрсатиш тоифалари бўйича тақдим этилган комплекс тушликлар (нонуста, кечки овқат) сони қайд этилган бўлади. Далолатномада бошқа маълумотларни ҳам, масалан, комплекс тўпламга кирмайдиган алоҳида таомлар номи, қиймати ва сони, агар туристик фирма билан тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, синган идишларни кўрсатиш мумкин.

Умумий овқатланиш соҳасидаги фаолият хизмат саналади. ИФУТ гуруҳларига изоҳ-

ларга мувофиқ, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш 56-«Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар етказиш бўйича хизматлар» бўлимига киради.

Хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган корхоналар ҳисобварақ-фактурани расмийлаштириш чоғида қуйидагиларни кўрсатадилар: 1-устунда – кўрсатилган хизматлар номи (умумий овқатланиш хизматлари), 2-устунда – пул ифодасида ўлчов бирлиги (сўм), 3-«Миқдори» ва 4-«Нархи» устунлари тўлдирилмайди, 5-«Етказиб бериш қиймати» устунида кўрсатилган хизматларнинг ҳажми пул ифодасида кўрсатилади (Тартибнинг 20-банди, 3-илова, АВ томонидан 22.03.2013 йилда 2439-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Ставка ўзгарган бўлса

10 млн сўмлик текин олинган қарз шартномаси тузилган санада МБнинг қайта молиялаштириш ставкаси 14%ни ташкил этган. Қарз берувчидан қарз олувчига қисман тўлов – 2 млн сўм тўланаётган санада (тўлов топшириқномаси санаси бўйича) МБнинг қайта молиялаштириш ставкаси 16% этиб белгиланган.

Қарз олувчи юридик шахснинг даромади қайси фоиз ставкасидан ҳисоблаб чиқарилади?

– Қарз берувчига фоизли даромад тўлаш мажбуриятисиз заём (қайтариб бериш шарти билан молиявий ёрдам) олинаётганда қарз олувчининг даромади заёмни олиш санасидаги МБ томонидан белгиланган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади (Солиқ кодексининг 135-моддаси). Пул маблағлари ҳақиқатда олинган кун қарз олинган сана ҳисобланади.

Чунончи, қарз шартномаси тузилганда қайта молиялаштириш ставкаси 14% бўлган, қарз олувчи пул маблағларини олаётганда эса 16% этиб белгиланган бўлса, солиқ солиш мақсадида қарздор учун фоизсиз қарздан даромад 16%лик ставка бўйича аниқланади.

Воситачилик ҳақи – фақат сўмда

Биз хорижий автомобиль сотиб олиш бўйича воситачилик хизматлари кўрсатамиз, яъни воситачи ҳисобланамиз. Президентнинг 2.09.2017 йилдаги ПФ-5177-сон Фармонида мувофиқ, ўзаро ҳисоб-китобларнинг барчаси миллий валюта – сўмда амалга оширилади. Бироқ автомобиль 3 ойдан 6 ойгача муддат ичида олиб келиниши, курс фарқи сабабли кўпинча зарар кўрамиз, чунки бажарилган ишлар далолатномасини комитент (автомобилни олувчи комитент ҳисобланади) товарни божхонадан ўтказгандан кейин расмийлаштирамиз.

Воситачилик шартномасида суммани хорижий валютада кўрсатишимиз ва «тўлов куниндаги МБ курси бўйича миллий валютада тўланди» деб ёзишимиз мумкинми? Бу билан ПФ-5177-сон Фармон талабларини бузган ҳисобланмаймизми?

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар миллий валютада амалга оширилади. Бироқ валюта қонунчилигига мувофиқ истисно мавжуд. Бу воситачилар (агентлар) хизматлар кўрсатганда воситачилар (агентлар) ва комитентлар (принципаллар) ўртасидаги операциялардир. Воситачи нрезидентга хорижий валютада тўлайдиган суммалар унга комитент томонидан худди шу валютада қоплаб берилиши мумкин.

Шу сабабли воситачи комитент қоплаб берадиган суммани етказиб берувчига ав-

томобиль учун тўланган хорижий валютада кўрсатиши мумкин. Воситачилик ҳақи суммасини эса миллий валютада кўрсатиши шарт, сабаби у хизмат нархи ҳисобланади.

Воситачилик ва топшириқ шартномалари ҳамда воситачилик хизматлари кўрсатишга оид бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар учун кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси тушум ҳисобланади (Солиқ кодексининг 130, 355-моддалари).


МЧЖнинг асосий фаолият тури – ишлаб чиқариш, шунингдек савдо билан ҳам шуғулланади. 9 ой якунларига қўра савдо устунлиқ қилди. ЯСТ тўлайди, ҚҚС тўламайди.

Маҳаллий етказиб берувчидан 31 млн сўмга олинган товарда (қишқи кийим) брак борлиги аниқланди. Товар бир йил олдин олинган. Маъсумий кийимни очиб кўрмаганлигимиз сабабли харид қилаётганда бракни топмаганмиз. Шартнома шартларига қўра корхона брак эканлигини рўқач қилиб, товарни бир йилдан кейин қайтариб бера олмайди, сабаби бунни олиш чоғида қилиш керак эди. МЧЖ уни сотиш учун яроқсиз товар сифатида ҳисобдан чиқаришга қарор қилди.

Аниқланган бракни қайси счётга киритайлик?

Брак сифатида ҳисобдан чиқарилган товарга ЯСТ солинадими?

Бракдан халос бўламиз



– Сотиш учун яроқсиз ва утилизация қилинган товарларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар 9430-«Бошқа операция харажатлар» счётида акс эттирилади (ВМнинг 5.02.1999 йилдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 2.3.15.11-банди). Зарарларга ЯСТ солинмайди.

Корхона нуқсонли бўлганлиги сабабли сотилиши ёки фойдаланилиши мумкин бўлмаган брак товарни ҳисобдан чиқариши ва утилизация қилиши мумкин. Бироқ нуқсонли товарлардан фойдаланишнинг имкони бўлса, улар арзонлаштирилиши ва таннархидан паст нархда сотилиши ёки хайрия жамғармаларига текинга берилиши мумкин.

Утилизация қилинадиган товарни ҳисобдан чиқариш тартиби унинг бузилиши ёки фойдаланиш (сотиш) учун яроқсиз ҳолга келишига олиб келган сабабларга боғлиқ.

Нуқсонли товарни ҳисобдан чиқариш ва утилизация қилиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштиришни тавсия этамиз. 19-сон БҲМС «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш»да (АВ томонидан 2.11.1999 йилда 833-сон билан рўйхатдан ўтказилган) белгиланган тартибда инвентаризация ўтказиб, унинг натижаларига қўра нуқсонли товарлар мавжудлиги ҳақидаги хулосани расмийлаштиринг. Товарларни ҳисобдан чиқариш учун далолатнома тузинг. Ҳисобдан чиқарилаётган товарни корхона омборидан уни утилизация қилиш жойигача олиб чиқиш учун «Махсустрас» ИЧБ ёки чиқиндиларни ташиш билан шуғулланувчи бошқа ваколатли ташкилотлар билан шартнома тузинг.

Асос – сотишга яроқсиз товар маиший чиқинди деб тан олинади. Қаттиқ маиший чиқиндилар юридик шахсларнинг фаолияти натижасида юзага келади (озиқ-овқат маҳсулотлари, шиша, резина, қоғоз, тўқимачилик маҳсулотлари, ўраб-жойлаш материаллари чиқиндилари ва ҳ.к.).

Солиқ органлари текширув чоғида мазкур операцияни нақд пулга сотиш ва даромадларни яшириш деб тан олишлари хатари мавжуд, оқибатда солиқ ва жарима солишлари мумкин. Шу сабабли брак товарлар кейинчалик утилизация қилиш учун олиб чиқиб кетилганлиги далилини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиши керак. Мисол учун, нуқсонли товарлар Махсустрас машиналарига орталаётганлиги фотосуратлари, утилизация қилиш жойигача ташиш хизмати кўрсатилганлиги тўғрисидаги ҳисобварақ-фактура.

Корхонагизда қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишга мўлжалланган ўзингизга қарашли махсус автотранспорт бўлса, қаттиқ маиший чиқиндиларни махсус полигонларга жойлаштириш ва кўмиш учун шартнома тузиш ва ҳисобварақ-фактура ёзиш лозим. Бу қоида утилизация қилинадиган ёки кўмиладиган чиқиндиларга нисбатан қўлланади.

Талаблар ўзгарди, бироқ лицензия ўз кучини йўқотмайди

Улгуржи савдога лицензия 2013 йилда олинган. Корхонанинг устав фонди 3 500 ЭКИХ миқдорида шакллантирилган (шундан 1 200 ЭКИХ – пул маблағлари билан).

Улгуржи савдога лицензия олиш учун устав фондининг миқдори 3 500 ЭКИХни ташкил этиши ҳақидаги талаб бекор қилинганлиги муносабати билан, агар устав фонди миқдори камайтирилса, у ўз кучини сақлаб қолاديمи?

– Ҳа, лицензия ҳақиқийлигига қолади.

Куйидагилар улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

➤ ЎзРнинг улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишни тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

➤ мажбурий тартибда сертификатлаши керак бўлган товарлар сотилган тақдирда мувофиқлик сер-

тификатлари ёки маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда сертификатланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёхуд уларнинг нусхалари мавжуд бўлиши (ВМнинг 5.11.2005 йилдаги 242-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 9-банди).

ЭКИХнинг камида 3 500 баравари миқдорида, улардан ЭКИХнинг камида 1 200 баравари миқдорида пул маблағлари билан шакллантирилган устав фондининг мавжуд бўлиши ҳақидаги талаб ВМнинг 3.05.2018

йилдаги 323-сон қарори билан бекор қилинди.

Мазкур талаб бекор қилинганлиги муносабати билан корхонанинг устав фонди камайтирилиши мумкин. Бироқ унинг миқдори қонун ҳужжатларида сизнинг юридик шахс ташкилий-ҳуқуқий шакли учун назарда тутилган энг кам миқдордан оз бўлмаслиги керак.

Саодат Усмонова,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Шартномадаги устувор шартлар

Корхона (воситачи) 8.11.2017 йилда бошқа корхона (воситачи) билан кейинчалик тузиладиган воситачилик шартномаси ва етказиб бериш шартномаси шартларини келишиб олиш учун дастлабки шартнома тузган. Дастлабки шартномада бўлажак воситачилик ва етказиб бериш шартномаларининг барча асосий шартлари (спецификация, ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчининг реквизитлари, етказиб бериш муддатлари ва шартлари, кафолат мажбуриятлари, шунингдек воситачилик шартлари) келишиб олинган.

Сўнг воситачи комитентдан барча кўрсатмаларни олиб, 11.11.2017 йилда етказиб берувчи билан импорт товарни етказиб бериш шартномасини тузган. 17.11.2017 йилда эса воситачи ва комитент воситачилик шартномасини тузганлар, яъни воситачилик шартномаси импорт товарни етказиб бериш шартномаси имзоланганидан кейин тузилган.

Битимни амалга оширишнинг бундай механизми ФКнинг 832–848-моддаларида кўрсатилган воситачилик шартларига мувофиқ келадими?

Солиқ органлари воситачи корхонанинг ҳаракатларини улгуржи савдо деб тан олишлари мумкинми?

– Йўқ, юқорида баён этилган механизм воситачилик шартномаси шартларига мувофиқ келмайди.

Саволдан келиб чиқишича, комитентнинг воситачига муайян товарни сотиб олишни топшириши дастлабки воситачилик шартномасининг нарсаси бўлган.

Дастлабки шартномада тарафлар қанча муддатда асосий шартномани тузиш мажбуриятини олиши кўрсатилади. Агар дастлабки шартномада бундай муддат белгилаб қўйилган бўлмаса, асосий шартнома дастлабки шартнома тузилган пайдан бошлаб бир йил ичида тузилиши шарт (ФКнинг 361-моддаси).

Воситачи томонидан учинчи шахс билан тузилган битим бўйича, гарчи битимда комитентнинг номи тилга олинган ёки у битимни бажариш бў-

йича учинчи шахс билан бевосита муносабатларга киришган бўлса ҳам, воситачи ҳуқуқларга эга бўлади ва зиммасига мажбурият олади (ФКнинг 832-моддаси).

Бинобарин, дастлабки шартномада асосий шартномани тузиш муддати белгиланмаган бўлса, у воситачи уни бажаришга киришгунига қадар (яъни етказиб бериш шартномаси тузилгунча) тузилган бўлиши керак эди. Акс ҳолда воситачи етказиб берувчи билан тузган етказиб бериш шартномаси воситачиликка алоқадор бўлмаган мустақил битим деб тан олиниши хатари мавжуд. Бу ҳолда сотиб олинган товарни қайта сотиш учун воситачи корхонада улгуржи савдога лицензия бўлиши зарур (ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3-банди).

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 71-236-76-46, 71-233-74-95, 71-233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

СОТИБ ОЛАМАН

Компьютер ва мониторлар (+998 90) 909-50-65.

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасининг тақдим этилиши

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кў., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Ишлаб чиқариш корхонаси тикув маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган. ЯСТ ва божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлардан фойдаланамиз, имтиёз – мақсадсиз. Ишлаб чиқариш учун зарур товарни импорт қилдик. ДБҚ юк ортилган контейнерларимиздан бири юзасидан эътироз билдирди. Бизга Жиноят кодексининг 179, 184-моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилиши мумкинлиги ҳақида хабар бердилар.

Ушбу контейнер юзасидан ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилган бўлса, молиявий санкциялар (божхона тўловлари бўйича имтиёзларни бекор қилиш, жарималар) фақат унга нисбатан қўлланиладими ёки барча контейнерларгами?

Молиявий санкция ёки жиноий жазо

– Кўриб чиқилаётган вазиятда молиявий санкцияни жиноий жазодан фарқлаш зарур.

Молиявий санкциялар солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси ҳисобланиб, пул ундириш (жарима ва пеня) кўринишида қўлланилади.

ЖКнинг 179-моддасида сохта тадбиркорлик, яъни уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки бошқа қўлланган манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотлари тузиш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Ушбу моддани қўллаш учун ҳуқуқбузарлик далили ва таркибининг ўзи кифоя (ҳуқуқбузарлик аниқланган контейнерлар сони эмас).

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан анча миқдорни ташкил қилмаган (ЭКИХнинг 100 бараваригача бўлган) миқдорда қасддан бўйин товлаш ёки биринчи марта анча (ЭКИХнинг 100 бараваридан 300 бараваригача бўлган) миқдорда қасд билан бўйин товлаш (МЖТКнинг 174-моддаси 1, 2-қисмлари).

шундай қилмишни яна анча миқдорда содир этса, ЖКнинг 184-моддаси 1-қисми бўйича жиноий жавобгарлик келиб чиқади.

Агар солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товланганлиги натижасида кўп (ЭКИХнинг 300 бараваридан 500 бараваригача бўлган) ёки жуда кўп (ЭКИХнинг 500 баравари ва ундан ортиқ) миқдорда зарар етказилган бўлса, жиноий жавобгарлик маъмурий преюдицияга риоя қилинмаган ҳолда (яъни шахснинг муқаддам солиқларни тўлашдан бўйин товланганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилиши талаб этилмайди), тегишлича, ЖКнинг 184-моддаси 2-қисми «б» банди ёки 3-қисми бўйича келиб чиқади (ОСП-нинг 31.05.2013 йилдаги 8-сон қарори 4-банди).

Шахс куйидаги ҳолатлардан лоақал биттаси мавжуд бўлган тақдирда солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас (Солиқ кодексининг 109-моддаси):

➤ солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактининг йўқлиги (масалан, агар бир турдаги солиқлар учун тўланган пул суммаси бошқа турдаги мажбурий тўловлар учун тўланмаган суммалар ўрнини тўлиқ қопласа ва Солиқ кодексининг 56-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолларда);

➤ солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилишида шахснинг айби йўқлиги (масалан, қилмишининг табиий офат ёки бошқа фавқулодда ва бартараф этиб бўлмайдиган ҳолатлар оқибатида, шахс томонидан ўз ҳаракатларини ўзи идора этолмайдиган ёки бошқара олмайдиган касаллик ҳолатида содир этилган бўлса ва Солиқ кодексининг 110-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолларда) (ОСПнинг 8-сон қарори 8-банди).



Агар шахс МЖТКнинг 174-моддаси 2-қисми бўйича маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида

Машина хатосими?

Янги ишга қабул қилинган ходимани жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйётганда унинг ШЖБПХ бошқа жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилганлиги маълум бўлди. Паспорт берилган жойдаги ТИИБга мурожаат этганда яна давлат божини тўлаб, паспортини алмаштириши кераклигини айтганлар.

Бундай талаб қўйиш тўғриси, ахир паспортни алмаштириш зарурати унинг айбига кўра юзага келмаганку?

Узининг ҳақлигини қандай исботлай олади?

Хужжатлар нотўғри расмийлаштирилгани учун ким қандай жавобгарликка тортилади?

Н.Раупова. Тошкент ш.

– Фуқаронинг шахс ўхшашлиги рақами (шахсий код) паспорт тўлдирилаётганда автоматик равишда ҳосил бўлади, ноёб ҳисобланади ва ўзгартирилмайди (ВМнинг 31.05.1996 йилдаги 200-сон қарори).

Паспорт бланкларини ишлаб чиқариш «Давлат белгиси» Давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида, биометрик паспортларни персоналлаштириш ва йўқ қилиш Давлат персоналлаштириш марказида, паспортларни эгаларига топшириш эса миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида (МФРБ) амалга оширилади (Низомнинг 8-банди, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).



Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида ходимлари фуқароларга паспортларини тақдим этаётганда:

➢ олувчи номига паспорт ёзиб берилган шахс эканлигига ишонч ҳосил қилишлари, бунинг учун унинг фамилияси, исми, отасининг исми ва бошқа маълумотларни сўрашлари, уларни паспортдаги ёзувлар билан қиёслашлари, шунингдек шахснинг фотокарточкадаги тасвирини паспорт олувчининг ташқи қиёфаси билан солиштиришлари;

➢ олувчига паспортга киритилган маълумотлар ва қайдлар тўғрилигини текширишни тақлиф этишлари шарт. Паспорт бўлимида ходимларининг айби билан паспортга нотўғри ёзувлар ёки қайдлар киритилгани ёхуд нотўғри маълумотлар ва хатоларга йўл қўйилгани аниқланганда мазкур ходимлар ҳисобидан бошқа паспорт тўлдириб берилиши керак.

Шу сабабли ходимангиз биометрик паспортнинг машина ўқийдиган зонасида нотўғри маълумот қайд этилгани, бу фуқаронинг шахсий кодига хатога йўл қўйилишига олиб келгани ҳақидаги ариза билан прописка қилинган жойдаги паспорт столи бошлиғига мурожаат қилсин.

Паспорт столи бошлиғи ушбу далил юзасидан текширув ўтказиши ва ички ишлар органлари маълумотлар базасининг электрон ҳисобига кўра шахсий кодни ўзгартириш тўғрисида хулоса чиқариши шарт.

Бунинг устига, МФРБ ходимларининг айби билан йўл қўйилган ушбу хато ишга жойлашишда тушунмовчиликлар юзага келгани боис моддий зарар келтирилганлиги муносабати билан унга тўғри шахсий кодли биометрик паспортни ўз ҳисобларидан беришлари керак. Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш туман бўлимида ушбу далилни рад этган тақдирда ходима юқори турувчи идораларга (Тошкент шаҳар ИИББ МФББ, вилоятлар ИИБ МФРБ, ҚР ИИБ) мурожаат қилишга ҳақли.

Болакайнинг фуқаролиги

Мен Ўзбекистон фуқаросиман, Тунис фуқаросига турмушга чиққанман, иккаламиз БААда ишлаймиз. Ўзбекистонда Тунис Элчихонаси йўқ, Тунисда ҳам Ўзбекистон Элчихонаси йўқ.

Фарзандимиз Дубайда туғилса, у ерда унга паспорт олишимиз мумкинми? Ёки болаки Ўзбекистонда туғиб, унинг учун ўзбек паспортини олиш, кейинчалик эса Дубайда иккинчи Тунис паспортини расмийлаштириш керакми?

Замина Р.

– Ота-онаниннг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган куйидаги ҳолларда бола Ўзбекистон фуқароси ҳисобланади:

1) агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган бўлса;

2) агар у Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида туғилган бўлса-ю, ота-онаси ёки уларнинг бири шу вақтда ЎзРда доимий истиқомат жойига эга бўлса.

Ўзбекистондан ташқарида туғилган боланиннг фуқаролиги ота-онаниннг ёзма тарзда ифодаланган келишуви билан белгиланади («Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуннинг 14-моддаси).

Агар меҳнат шартномасига кўра ишлаш учун БААга борган бўлсангиз, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг Дубайдаги Бош консулхонасида вақтинча консуллик ҳисобида туришингиз шарт.



Бола вақтинча консуллик ҳисобида турган жойингизда туғилса, у туғилгандан сўнг мазкур далилни Консулхонада албатта легаллаштиришингиз керак. Легаллаштириш ҳужжатлар ва далолатномалардаги имзолар ҳақиқийлигини ҳамда сиз турган давлат қонунларига мувофиқлигини белгилаш ва тасдиқладан иборат. ФХДЁ ҳужжатларини легаллаштириш учун 10 АҚШ доллари миқдоридан консуллик йиғими

ундирилади (Тарифларнинг 12-моддаси, 24.12.2013 йилдаги ПҚ-2095-сон қарорга 3-илова).

Агар бола Ўзбекистонда туғилса, сиз доимий истиқомат жойингиздаги ФХДЁ органларида гувоҳнома olasiz.

Иккала ҳолатда фарзандингиз Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг ташқарида Дубайдаги консуллик муассасасида ёки Ўзбекистондаги доимий истиқомат жойида 16 ёшга тўлмаган шахс учун биометрик паспорт олишга ҳақли бўлади.

Қонунга мувофиқ

Онам – ЎзР фуқароси 1991 йилда доимий яшаш учун Қримга кетган. Кетиш олдида Ўзбекистондаги квартирадан пропискadan чиққан, бироқ бир қатор ҳолатлар сабабли 20 кундан кейин қайтиб келишга мажбур бўлган. ЎзРга келиб, бирмунча вақт ўтгач (1994 йилда) пропискага эга бўлган. Шундан сўнг икки марта паспортини алмаштирган. Ҳозир паспортни янги биометрик паспортга алмаштириш чоғида паспорт столи ходимлари 1991 йилдан 1994 йилгача прописка бўлмаганлигини рўқач қилган ҳолда паспорт беришни рад этиб, фуқаролиги бўлмаган шахс ҳужжатини олишни талаб қилмоқдалар.

Паспорт столи ходимларининг бундай ҳаракат қилишлари тўғрисида?

Фуқаролиги бўлмаган шахс ҳужжатини олса, бу қандай оқибатларга олиб келади?

В.С. Тошкент ш.

– Дарҳақиқат, келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ ҳолатидан, irqи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғул-тининг тури ва сажиясидан қатъи назар, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун кучга кирган вақтда (2.07.1992 йил) Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўладилар (4-модда).

1994 йилда паспорт алмаштираётганда паспорт столи ходимлари фуқаролар оқими кўпчилиги ва алмаштириш учун берилган эски намунадаги паспортлар тўпланиб қолганлиги сабабли онангизнинг паспортида юқорида кўрсатилган Қонун кучга кирган санада, яъни 1992 йил 2 июлда доимий прописка қилинганлиги тўғрисида белги йўқлигини пайкамаган кўринадилар. Унга асоссиз равишда Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини берганлар.



Ушбу далил юзасидан ўтказиладиган хизмат текшируви натижасида паспорт бекор қилиниб, онангизга 1994 йилдан доимий прописка қилинган қайд этилган фуқаролиги бўлмаган шахс учун яшаш гувоҳномаси берилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади.

Реклама



«СОЛИКЛАР:
САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимаржон кўч., 1/4. Тел.: (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

8-бетда

Ҳаммаси қоидага биноан

Тошкентдаги манзил-маълумотнома бюросида вафот этган фуқароларнинг пропискиси тўғрисидаги маълумотлар сақланадими? Паспортисткада бўлган карточкаларнинг шакллари нимаси билан фарқланади?

Х.Л.

— Фуқаролар пропискадан чиққанлиги ҳақидаги маълумотлар манзил-маълумотнома бюросида 6 йил давомида сақланади. Сўнг кетиш манзил варақаси картотекадан олиб ташланади ва белгиланган тартибда йўқ қилинади.

Ўлим ҳақидаги гувоҳнома олингандан сўнг паспорт столи энг яқин қариндошининг аризаси асосида марҳумни рўйхатдан чиқариб, фуқаро вафот этганлиги муносабати билан рўйхатдан чиқарилганини қайд этган ҳолда кетиш манзил варақасини манзил-маълумотнома бюросига йўллайди. Кетиш манзил варақаси манзил бюроси картотекасида 6 йил сақланади, шундан сўнг тузилган далолатнома асосида олиб қўйилади ва йўқ қилинади.

Манзил-маълумотнома бюроси ҳисобида вафот этган фуқаронинг пропискаси ҳақидаги маълумотлар йўқ бўлса, буни сақлаш муддати тугаганлиги сабабли кетиш манзил варақаси йўқ қилинганлиги билан асослаш мумкин.

Фуқаролар қайд этиш карточкаларини (4-шакл, АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 48-бандига 4-илова) қуйдагиларга тақдим этиди:

➤ ички ишлар органларига ёхуд маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига — фуқароларнинг пропискаси ва пропискадан чиқишини расмийлаштиришда;

➤ мудофаа ишлари бўйича бўлимларга — ҳарбий ҳисобга қўйишда ва ҳисобдан чиқаришда.

Квартиралар бўйича карточкалардан (5-шакл, Йўриқноманинг 48-бандига 5-илова) қуйдаги мақсадларда фойдаланилади:

➤ паспорт режимини текшириш;

➤ паспортлар ўз вақтида олиниши, прописка муддати узайтирилиши ёхуд прописка қилиниши рад этилган фуқароларнинг чиқиши устидан назорат қилиш;

➤ фуқаролар прописқа қилинган ва пропискадан чиққанда молиявий шахсий счётларга ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш;

➤ мактаб ёшига етган болаларнинг рўйхатларини тузиш, маълумотномалар бериш ва ҳ.к.

Прописка қилишга розиман

Хорижда турган қариндошимнинг квартирасида яшайман. Муаммо юзага келмаслиги учун ушбу квартирада вақтинча пропискадан ўтмоқчиман. Менга тушунтиришларича, квартира эгасининг ўзи ариза ёзиши керак экан. Агар у хорижда бўлса ва яқин орада қайтмаса, нима қилиш керак?

Н.Шеров.

— Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлган фуқарога тегишли турар жой майдонига вақтинча ҳисобга олиш учун унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланган розилиги талаб этилади (АВ томонидан 28.06.2016 йилда 2804-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 5-банди).

Фуқаро Фуқаролик, оилавий ва жиной ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенцияга (Минск, 22.01.1993 йил) аъзо давлатлар ҳудудида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси билан расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи икки томонлама халқаро шартнома тузилган давлатлар ҳудудида бўлган тақдирда, унинг розилиги тегишли давлат қонунчилигига мувофиқ тасдиқланиши мумкин.

Фуқаро Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 5.10.1961 йил) аъзо давлат ҳудудида бўлганда, унинг розилиги ушбу Конвенция талабларига мувофиқ асосий белгиси орқали тасдиқланиши мумкин (Йўриқноманинг 6-банди).

Бунда квартира эгасининг шахсан ҳозир бўлиши шарт эмас.

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Автомобилларни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни расмийлаштиришга рухсат берилди

Вазирлар Маҳкамасининг 24.10.2018 йилдаги 863-сон қарори билан 2001 йилдан амалда бўлган автоматотранспорт воситаларига нисбатан ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни нотариал расмийлаштиришга тақиқ бекор қилинди (ВМнинг 28.08.2001 йилдаги 354-сон қарори).

Энди фуқаролар ишончли вакилларига автомобилга худди шундай ишончномани бошқа шахс номига расмийлаштириш ҳуқуқини беришлари мумкин. Бошқа шахсларга ўтказиладиган ваколатлар ҳажми камроқ бўлиши мумкин, бироқ кўпроқ бўлиши мумкин эмас, бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқи эса асосий («бирламчи») ишончномада алоҳида қайд этилган бўлиши керак. «Иккиламчи» ишончнома ҳам нотариал расмийлаштирилиши лозим.

Шуни қайд этиб ўтамизки, Фуқаролик кодекси (140, 141-моддалар) ва Ўзбекистоннинг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида кейинчалик бошқа шахсга ўтказиш, яъни иккинчи, учинчи ва ҳ.к. марта бошқа шахсга ўтказиш тўғридан-тўғри тақиқланмаган. Шу сабабли ушбу масалани аввалбосдан ҳал этган маъқул. Масалан, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг 187-моддасига кўра, агар асосий ишончномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, бундай қилиш тақиқланган —

ҳужжатда кейинчалик бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш шарт эмас. Ўзбекистонда, агар бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаса, автомобиль қўлдан қўлга ўтиши хавфи мавжуд.

Ўз ваколатларини бошқа шахсга ўтказган шахс асосий ишончномани берган шахсни янги ишончли вакилнинг Ф.И.О. ва яшаш жойи ҳақида хабардор қилиши шарт. Хабарнома хабар берганлик далилини ҳужжат билан тасдиқлай оладиган тарзда берилиши керак. Агар бундай қилинмаса, кейинги ишончли вакилнинг барча хатти-ҳаракатлари учун аввалгиси жавобгар бўлади. Асосий ишончнома қақриб олинганда, муддати ўтганда ёхуд бошқа асосларга кўра тўхтатилганда бошқа шахсга ўтказиш ҳам ўз кучини йўқотди.

Автоматотранспорт воситалари юзасидан ишончномалар Автоматотранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда (ВМнинг 7.03.2006 йилдаги 38-сон қарори билан тасдиқланган) назарда тутилган тартибда расмийлаштирилади, шунингдек Автоматотранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 31.08.2017 йилдаги 683-сон қарорига 1-илова) мувофиқ ЙХҚДХда ҳисобга қўйилади.

Кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 26.07.2018 йилдаги ЎРҚ-488-сон Қонунга мувофиқлаштирилган, унга кўра ташкилотлар жисмоний



шахсларга ижарага берадиган автотранспорт воситаларини 30 кунгача бўлган муддатга ижарага бериш шартномалари нотариал расмийлаштиришдан ва ЙХҚДХда ҳисобга қўйишдан озод этилган.

Бундан ташқари, энди норезидентлар учун машиналарга ишончномаларни расмийлаштириш мумкин. Бу ҳам 17 йил давомида тақиқланган эди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 25.10.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов, «Norma» МЧЖ эксперти.

Иккинчиди — ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

Хафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚҮРБОНБОВ

Нашр учун масъул —
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Самдуратова
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш. Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АКТ бўйича — (71) 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
(71) 283-32-31, 283-36-32 телефон
рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета нотири — «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида тирилди ва савқиланди.
Нашр кўрсаткичи — 185. Қўроқ белими — А3. Ҳажми — 2 бома табоқ. Басма кўрсаткичи нарди.
Бўртма 471. Адади 810. Газета 2018 йил 19 ноябрь соат 16.30 да топширилди.